

---

## ПИЛЛАЧИЛИКДАГИ ЯНГИ ИМТИЁЗЛАР

Қишлоқ жойларда аҳоли бандлиги ва даромадлари даражасини оширишни таъминлайдиган ягона ва яхлит ташкилий-технологик тизимни барпо этиш асосида пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш мақсадида қабул қилинган қарор

2017 йил 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор қишлоқ жойларда аҳоли бандлиги ва даромадлари даражасини оширишни таъминлайдиган ягона ва яхлит ташкилий-технологик тизимни барпо этиш асосида пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш мақсадида қабул қилинди. Жаҳон тажрибаси кўрсатганидек, пилла етиштириш ўзига хос фаолият тури бўлиб, унда муваффақиятга эришиш тармоқда меҳнат қилаётган ишчилар тажрибаси ва моддий манфаатдорлигига боғлиқ. Шу сабабдан ҳам ушбу қарор билан қишлоқ жойларда пиллачилик соҳасидаги корхоналарда хизмат қиладиган ва бевосита пилла етиштириш билан шуғулланадиган аҳолини молиявий қўллаб-қувватлаш ва моддий манфаатдорлигини таъминлаш мақсадида:

2023 йил 1 январгача корхоналар ягона солиқ, ягона ижтимоий тўлов ва божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари)дан озод этилди;

уй шароитида тирик пилла етиштириш билан шуғулланувчи (касанаичи)лар – жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўлашдан озод этилди;

пилла етиштирувчи ташкилотлар – пилла етиштириш билан шуғулланувчи касанаичилар ва бошқа ишчи-пиллакорлар меҳнатига ҳақ тўлашга йўналтириладиган маблағлари бўйича ягона ижтимоий тўловдан озод этилди ва бундан бўшаган маблағлар касанаичилар ва ишчи-пиллакорларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

Ипак қурти боқувчилар ва касанаичиларнинг пилла мавсумидаги даврда бажарган ишлари уларга пенсия таъминлашда бир йиллик иш стажи деб ҳисобланиши алоҳида белгилаб қўйилди.

Қарорда белгилаб қўйилганидек, пилла етиштириш билан банд аҳолининг моддий манфаатдорлиги кучайиши, ҳамда пилла мавсумидаги даврда бажарган ишлари уларга пенсия таъминлашда бир йиллик иш стажи деб ҳисобланиши, уйда бола тарбияси ва уй рўзғор ишлари билан ўтирган аёлларга иш стажини юритишлари учун жуда қулай имконият бўлди.

Озуқа базасининг мустаҳкамланиши ва кенгайиши, пилла етиштириш мажмуаларининг бевосита тутзорлар яқинида барпо этилиши, 2 баробар кўп ҳосил берадиган, озуқа қиймати юқори ва совуққа чидамли тут кўчатларининг олиб келиниши пилла етиштириш ҳажмларини ошириш ҳамда юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар, шу жумладан, шойи газламалар ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, пиллани қайта ишлаш улушини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, маҳсулот экспорти ҳисобидан валюта маблағлари тушумини орттиришга хизмат қилади.

2017-04-12 20:00:01